

Кўкрак тўла кайгу кишининг ўзига ўзи эгалик килишига кўймай, танасини сиркиратиб, бўгинини куритиб, ё кўздан ёш бўлиб окади, ё тилдан сўз бўлиб окади. Козоклар: “Э, Худо, мени ёш боладай кайгусиз килгин!”- деб тилак тилаганини ўзим кўрдим. Буниси гўё уларнинг ёш боладан кўра эсли киши бўлиб, билмайдиган нарсаси йўқ, кайгуга ботган киши сингани. Кайгуси нима экан десанг, маколларидан биларсан: аввали – «Тушгача умринг колган бўлса, бир кунлик мол йиг», «Ўзингда йўқ бўлса, отанг хам ёт», «Мол – одамнинг бовур эти», «Моллининг юзи ёруг, молсизнинг бети чорик», «Эр озиги билан бўри озиги – йўлда», «Эрнинг моли элда, эринганинг моли кўлда», «Берган – парда бузар», «Олагон кўлим – берагон», «Мол топган эрнинг ёзиги йўқ», «Бойдан умидсиз – Худойдан умидсиз», «Корнинг очса, кўринган уйга чоп», «Киргоги йўқ кўлдан без, хайри йўқ элдан без», деганга ўхшаш сўzlари хисобсиз кўп, тўлиб ётибди.

Бу маколлардан нима чикади? Маълум бўлди: козок тинчлик учун, илм учун, билим учун, адолат учун гам емайди экан, мол учун гам ер экан, бирок ўша молни кандай топишниям билмайди экан, бор билгани моли борларни алдаб олиш ёки мактаб олиш, бермаса, улар билан ёвлашиш экан. Молли бўлиш учун, отаси билан ёвлашишни хам уят кўрмас экан. Хайтовур, ўгирилик, кувлик-шумлик, тиланчиликка ўхшаган киликларнинг кайсисини килиб бўлса-да, мол топса, айборд демаслик керак экан.

Буларнинг ёш боланинг аклидан нимаси ортиқ? Бирок ёш болалар ёниб турган кизил ўчокдан кўркишарди, булар эса дўзахдан хам кўркмайди экан. Ёш бола уялса, ерга карагувчи эди, булар хеч нарсадан уялмайди экан.

Шуми уларнинг боладан ортиклиги! Кўлимиздагини уларга талатмасак, биз хам улардай бўлмасак, биздан безади экан. Излаган элимиз шуми?